

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Давлатов Ўлмасбек Ғайратжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 314-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Мақола профилактика инспекторининг вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги фаолиятини таҳлил қилади. Амалдаги норматив-ҳуқуқий база ва ташкилий-ҳуқуқий механизмлар кўриб чиқилади, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг аҳамияти таъкидланади. Шунингдек, ҳуқуқий тарбияни самарали ташкил этиш усуллари таклиф қилинади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, вояга етмаганлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, маҳалла ҳамкорлиги.

Аннотация: В статье анализируется деятельность инспектора профилактики по повышению правосознания и правовой культуры несовершеннолетних. Будет рассмотрена действующая нормативно-правовая база и организационно-правовые механизмы, подчеркнута важность сотрудничества с махаллями и институтами гражданского общества. Также предлагаются методы эффективной организации правового воспитания.

Ключевые слова: Инспектор профилактики, несовершеннолетние, правовое сознание, правовая культура, профилактика правонарушений, сотрудничество махалли.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони¹ билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Концепция ва унга илова қилинган «Йўл харитаси» мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлиб, жамиятда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 январдаги Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармони

Концепциянинг асосий мақсади — аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий тарбияни самарали ташкил этишдир. Бу жараёнда профилактика инспекторлари муҳим роль ўйнайди, чунки улар вояга етмаганлар билан тўғридан-тўғри ишлаш орқали ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришда фаол иштирок этадилар.

Мазкур мақолада профилактика инспекторининг вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги фаолияти таҳлил қилинади. Шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий база, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва маҳалла, таълим муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг аҳамияти кўриб чиқилади. Мақсад — профилактика инспекторларининг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқишдир.

Ушбу фаолият билан боғлиқ Норматив-ҳуқуқий асосларга тўхталадиган бўлсак:

Профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасидаги фаолияти бир қатор асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- **ЎРҚ-263-сон Қонун (29.09.2010)** — вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика чораларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини белгилайди.
- **ПҚ-1-сон Қарор (01.01.2019)** — вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизимини такомиллаштириш чораларини белгилайди.

Жумладан ушбу қарор билан **“Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра:**

алоҳида тоифадаги шахслар (вояга етмаганлар, ёшлар, аёллар, ишсизлар, муқаддам судланганлар, пробация ҳисобида турганлар ва бошқалар) билан манзилли, таъсирчан ишларни тизимли ташкил қилиш белгиланган;

- **ПҚ-253-сон Қарор (01.01.2021)** — профилактика инспекторлари ва давлат органлари ўртасида ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи давлат дастурини тасдиқлайди. Қарорга кўра:

вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш мақсадида ички ишлар органлари вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли юқори бўлган ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлашни ташкил этиш фаолиятини «маҳалла еттилиги» билан биргаликда ҳар ой якунида муҳокама этиб бориши белгиланди;

- **ЎРҚ-996-сон Қонун (14.11.2024)** — вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг янги ҳуқуқий асосларини белгилайди.

- **Вазирлар Маҳкамасининг 490-сон Қарори (03.08.2021)** — марказлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди. Қарорга кўра, вояга етмаганлар онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчалари ҳамда одоб-ахлоқ нормалари чуқур сингдирилиши, уларда ҳуқуқий онгни юксалтириш бўйича тизимли тарбия ишлари олиб борилиши шартли кўрсатиб ўтилган.

- **Вазирлар Маҳкамасининг 440-сон Қарори (14.07.2025)** — давлат дастурини амалга оширишда профилактика инспекторларининг фаолиятини амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар билан ишлашдаги қонуний ваколатлари ва мажбуриятларини аниқлайди, уларнинг фаолиятини махсус тартибга солади ва қонунчилик меъёрлари доирасида амалга оширишини таъминлайди. Шу билан бирга, ҳужжатлар инспекторларга вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ижтимоий ва тарбиявий ҳамкорликни самарали ташкил этишда аниқ йўналишлар ва методик кўрсатмаларни белгилайди. Бу эса фаолиятнинг бирхиллик, аниқлик ва самарадорлигини таъминлайди ҳамда ҳуқуқий муносабатларда ноаниқликларни бартараф қилади.

Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича фаолиятига қарайдиган бўлсак!

Профилактика инспекторлари вояга етмаганлар билан ишлашда қуйидаги йўналишларда фаолият юритадилар:

- Ҳуқуқий тарбия борасида: вояга етмаганларнинг ҳуқуқий билимларини кенгайтириш, уларда қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий онгни мустаҳкамлашга қаратади.

- Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича: вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларга сабаб бўладиган шарт-шароитларни аниқлаш ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширади.

- Ҳамкорлик бўйича: маҳалла, таълим муассасалари, оила ва давлат органлари билан биргаликда тарбиявий, ҳуқуқий ва профилактик ишлар олиб бориш, вояга етмаганларнинг ижтимоий муҳити ва ҳаётий шароитларини яхшилаш.

- Мониторинг ва таҳлил қилиб бориш борасида: вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ва тарбия

жараёнини кузатиб бориш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш.

Ушбу фаолият билан боғлиқ муаммо ва таклифларга тўхталадиган бўлсак, вояга етмаганлар фаолиятида қуйидаги асосий муаммолар кузатилади:

Вояга етмаганларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онги билан боғлиқ хавфлар — ҳозирги кунда кўп оилаларда ота-оналарнинг Россия ва бошқа давлатларга ишлаш учун кетиши оқибатида вояга етмаган болалар бобо-бува ёки яқин қариндошлар қарамоғида қолмоқда. Бу вазиятда улар кўпинча назоратсиз бўлиб, ижтимоий ва руҳий жиҳатдан хавфли фаолиятларга мойил бўлади: қиморёки ва тавакалчиликка асосланган ўйинлар, психотроп моддаларни истеъмол қилиш ҳолатлари, шунингдек, мобил ўйинларга ва интернет муҳитига ҳаддан ташқари берилиб кетиш оқибатида ахлоқий ва тарбиявий тарбиянинг пасайиши кузатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифлар берилди:

Биринчи. Болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий онгини ривожлантириш борасида: вояга етмаганлар учун ҳуқуқий билим ва онгини оширишга қаратилган тарбиявий дастурлар ва машғулотлар ташкил этиш, шу жумладан ҳуқуқий клублар, маънавий-маърифий тадбирлар ва ҳуқуқий муҳитни ривожлантириш зарур.

Иккинчи. Бўш вақтни мазмунли ташкил этиш ва уларни назорат қилиш: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 11 апрелдаги ПҚ-201-сонли қарорига мувофиқ маҳалла, таълим муассасалари ва профилактика инспекторлари ҳамкорлигида болаларнинг бўш вақтини спорт, санъат, интеллектуал ва маданий фаолиятлар орқали тўлдириш, ижтимоий фаоллигини кузатиш ва зарурида тарбиявий чоралар қўллаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар билан ишлашда профилактика инспекторлари фаолияти ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан кўп қиррали бўлиб, улар болаларнинг ҳуқуқий онги ва ижтимоий маданиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни самарали амалга оширади. Шунингдек, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва давлат, маҳалла ҳамда таълим муассасалари билан ҳамкорлик орқали уларни ижтимоий хавфли фаолиятлардан ҳимоя қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашнинг таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори.
9. Бабаханов Ҳ., Узақов Ф. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ //Журнал академических исследований нового Узбекистана. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 41-46.
10. Қадамович Б. Ҳ. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ: ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 47-52.
11. Қадамович Б. Ҳ., Сарсенбаев Ж. С. У. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА БИЛИМ САВИЯСИНИ ОШИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 23-28.